

МУХАММАД ИҚБОЛ ДУНЁҚАРАШИДА ИНСОН МУАММОСИ

Л.С.Юлдашева
ТДСИ доц. Ф.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада Ҳиндистон адабиёти ва фалсафасида муносиб ўрин эгаллаган буюк мутафаккир, шоир-файласуф аллома Мұхаммад Иқбол дунёқарашида инсон муаммоси ёритилган бўлиб, унда инсоннинг ижодкорлик ва фаол бўлишиликка ундовчи, ўзининг баҳти камоли, эркин ва фаровон ҳаёти учун курашии масаласи бош гояси сифатида ифодаланган.

Калит сўзлар: дунёқараши, диний онг ва диний рух, руҳий қувват, инкарнация-реинкарнация, тараққиёт.

ABSTRACT

This article highlights the human problem in the worldview of the great thinker, poet-philosopher Allama Muhammad Iqbal, who has a worthy place in Indian literature and philosophy. In it, the issue of fighting for a perfect, free and prosperous life is expressed as the main idea of encouraging people to be creative and active.

Key words: worldview, religious consciousness and religious spirit, spiritual power, incarnation-reincarnation, development.

КИРИШ

Шарқнинг машҳур файласуф-шоир Мұхаммад Иқбол факатгина Ҳиндистон ярим оролида эмас, балки бутун хорижий шарқнинг адабий, сиёсий ва ғоявий ҳаётига катта таъсир кўрсатган алломадир.

У 1877 йил 9 ноябрда ҳозирги Покистон Ислом республикаси Панҷоб вилоятига қарашли Сиалкот шаҳрида таваллуд топган. Алломанинг ёзишича, унинг аждодлари асли кашмирлик брахманалардан бўлиб, деярли 300 йил аввал ислом динини қабул қилишган. Ислом дини қабул қилган бу хонадон бошқа кўп хонадонлар сингари ражаларнинг зулмидан танг аҳволга тушгач, Кашмирни ташлаб, Сиалкотда истиқомат қила бошлайди.

Унинг отаси Шайх Нурмуҳаммад ва онаси Имом бибилар тақводор кишилар бўлганликлари учун, ўз фарзандларини ҳам ислом дини руҳида тарбиялашга катта эътибор беришган. Оилада хукм сурган диний рух ҳамда бу хонадандаги диний мавзудаги сұхбатлар иқтидорли, ўткир зеҳнли Мұхаммад Иқболга ёшлиқ чоғиданоқ қалби ва онгига синга бошлаган.

Балким шу сабаб унда ёшлиқ чоғиданоқ ислом динига, айниқса, тасаввуф илмига қизиқиши ортган ва мутафаккирлар Саъдий Шерозий, Ж. Румий, М.Бедил ғазалларини мутола қилишга эрта киришган ва мактаб пайтиданоқ ўзи

ҳам урду тилда шеърлар битарди. Ҳазрати инсон муаммоси Шарқда қадим-қадимдан ҳаётнинг бош масаласи ҳисобланниб келингган. Ҳаётнинг бунёдкори ва асоси ҳисобланган.

Қадимги ҳинд мактабларининг таълимотларида асосий муаммо инсон унинг баҳту камоли ва дунёқараши масаласи асосий ўрин эгаллагандир.

Санкхъя, Йога, джайнизм, чорвака –Лакоята каби мактабларнинг таълимотларида инсон ҳаёти, тақдирий азал, баҳт саодатга элитувчи эзгу ғоялари содда мистик тарзди ёритилган булсада, бугунги кунгача ўз долзарблиги билан қадрли ҳисобланади. Ундан кейинги ўрта аср, уйғониш ва ҳозирги даврларга келиб бу актуаллик ҳамон ҳинд фалсафаси ва таълимотларининг марказидадир. Жумладан, М. Бедил, М. Ғолиб, Сайд Аҳмадхон, Р. Тагор ва бошқа кўпгина ҳинд файласуфларининг дунёқараашларида жамият, инсон, унинг эркинлиги, озодлиги, баҳт-саодати учун кураш бош ғоя ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Буюк аллома Муҳаммад Иқбол ҳам ўз даврининг ватан озодлиги қўйчиси, шоир, файласуф сифатида нафақат Ҳиндистонда, Покистонда балки бутун хорижий шарқнинг тарихида, адабиётида алоҳида ўринга эгадир. Аллома ўз қараашларида буюк Фирдавсий, Саъдий, Румий, Бедил, Ғолибларнинг инсонпарварлик ғояларини давом эттириб, инсоннинг яратувчанлик қудратини мадҳ этади.

Муҳаммад Иқбол ўз ватандошлари Свами Вивикананда, Рабинранат Тагор сингари инсонни эркин ва забардаст, матонатли ва баҳодир, озод ва мустақил ҳолда кўришни орзу қиласди, ижодида шахсни камолатга эришишга ундейди, инсоний ғурур ғалабасини куйлайди. Адиг ўзининг “Асрар-э худи” (Шахс сирлари) асарида ўз шахсий манфаати ва қизиқишлигини жамият манфаати билан узвий боғлаган инсонни абадий барҳаётлар сирасига қўшади. Ушбу асарда :” Инсон мисоли гул, жамиятни эса баҳорга таққослади. Инсон ўзини жамиятнинг бир қисми деб ҳисоблаб, унинг гуллаб, тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшса, абадий барҳаёт бўлиб қолади”-дейд[1]/.

Файласуф инсон ҳақидаги фикрларини ривожлантира бориб, қураш ва тараққиёт туфайли камолотга эришган инсон Аллоҳнинг ердаги ноиби, дейди ва уни яратувчанлик жиҳатдан Яратган Ҳаққа қалбан яқин бўлишини таъкидлайди. Бу қараашлари билан Муҳаммад Иқбол ўзининг пири устози деб билган Шарқ мутафаккири Джалолиддин Румий қараашларига мос келишини кўриш мумкин.

Ж.Румий фикрича инсоннинг руҳий ҳаёти оламнинг жавоҳиридир. Инсон оламдаги барча мавжудотларнинг бирлигини ўзининг руҳий борлиғида акс эттиради. Унингча, инсоннинг руҳий борлиғи бу ундаги илоҳий кучдир ва бу куч оламдаги барча нарсаларни бирлаштиради. Лекин бу қучдан ҳамма инсонларнинг фойдаланиши ниҳоятда мушкул. "Инсон Тангрининг телескопидир. Инсон бу дунёда нафс ва хирсга берилиб ўзининг ички олами, руҳий борлиғидан ажралиб қолади. Бу ҳолат эса инсоннинг руҳий ички қувватини сусятиради.. Ҳаёт уммонинг тубида ажойиб бир дур яширган, дейди буюк Румий Бу дур инсоннинг пок қалбидир. Айнан инсоннинг пок қалби унинг руҳий ҳаёти оламнинг жавоҳиридир.

Мұхаммад Иқбол таълимотида бу ғояларни комил инсон даражасига кутаришда инсоннинг пок қалби, пок руҳий олами билан бирга ўз баҳт саодатини ҳаракатда, меҳнатда жўшқин ҳаётда топади деб ифодаланган. Аллома куйлаган "Комил инсон" ўз ҳаётини жамият йўлига багишлашни олий мақсад деб билади. Инсон ўз ўрни ва қадрини фақат жамиятдагина топади. Шунда Румийнинг фикрини давом эттириб, Иқбол инсонга шундай таъриф беради: "Илоҳий нур ила нурланган қалб, ўзи ҳам нурга айланади. Шундай қалб эгаси бўлган инсон дур бўлса, ҳалқ, жамият эса дурлардан битилган марвариддир. Жамият билан ўз тақдирини, ҳаётини боғлаган шахс инсонийликнинг энг олий шакли бўлмиш "Мўмин" бўла олади-, деб таъкидлайди.[2] Мұхаммад Иқбол Ҳазрати инсоннинг қудрати, имконияти ва иқтидори чексиз дейди. Шунинг учун инсонни ўз эрки, озодлиги йўлида курашишга чорлайди, лекин лоқайд, ўз тақдирига бепарволик, турғунлик инсонни ҳам маънан ҳам жисмонан жиҳатдан ҳалок этади.

Мұхаммад Иқбол куйлаган инсон тиниб тинчимаган, тараққиёт ва камолотнинг нурли чўққилари томон интилевчи , ижодкор инсондир. Айнан шу ижодкорлик, ижодий фаоллик ва меҳнат инсоннинг ҳақиқий моҳиятини намоён қиласи. Олам инсон учун кузатиш, билиш обьекти бўлиб қолмай, балки у ўз тиришқоқлиги, ақл-заковати билан ундан моҳироналиқ билан фойдаланиши ҳам лозимдир. Чунки аллома таъкидлаганидек, инсон буюк кучч. Ердаги барча нозу-неъматлар, боғу бўстонлар Ҳазрати инсон қўли ила бунёд этилгандир. Шоир-файлласуфнинг бу фикрлари шарқ тасаввуф оламининг пирларидан бири бўлган Нақшбандия таълимоти : "..Дил ба ёру даст ба кор"- билан уйғундир.

Меҳнат ила топилса нон,

Бахтиёр бўлур унда инсон (урду тилидан С. Ю. Таржимаси)

Мұхаммад Иқбол шарқ мутафаккири Ибн Сино меросини қизиқиши билан ўргангандан файлласуфлардан биридир. Аллома Ибн Сино сингари моддий

дунёнинг объектив равишда мавжудлигини, унинг инсон онгидан ташқарида ва ўзгаришда эканлигини тан олади. Унинг фикрича реал нарсалар инсоннинг сезги аъхоларига таъсир этиб, ҳиссиёт уйғтади. Ташқи олам инсон ҳиссиётининг мантиқий билимлар ва интуициялар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Рух ҳақида ёзганларини тахлил қилган аллома иқбол шундаай ёзади: “Ибн Сино фикрича, жисм ва рух бир бири билан боғлиқ бўлсадаларда, лекин улар моҳиятан бир-бирига қарама қаршидир. Тананинг чириши бу рухнинг йуқ бўлиши дегани эмас, ажралиш еки парчаланиш материянинг оддий таркибий қисмларининг хоссасидир.

Бу фикрни мақуллаган аллома Иқбол ҳам рухнинг абадийлигини тан олади. Тана парчаланса ҳам рух ўлмайди, аксинча, бир танадан бошқасига кўчади деб ҳисрблайди. Бу билан Иқбол таносух назариясини илгари суради.

Муҳаммад Иқболнинг яқин дўсти бу ҳақда шундай таъриф беради:”... шеъриятга ўзини бағишилган Мирзо Ғолиб ижодини ламаконга олиб кетиб ,қайта ерга тушганида бошқа фоний инсоннинг қалбини ёритиб, яна доимо гуллаб турган шеърият бўстони иккинчи маротаба, қайта Панжобда қайта алома Иқбол жисмида гуллагандир. Шундан бўлса керак, Мирзо Ғолибнинг шеърлари сингари Муҳаммад Иқболнинг ижоди ҳам кенг тарқалиб, машҳурдир.

Алломанинг буюклик жиҳати шундаким, шоир миллат мустақиллиги учун курашни назарий асосини ислом динида кўрди ҳамда мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартиришни диний мафкурада деб билди ва ишонди. У оламни билишда фан ва фалсафанинг ролини камситмаган ҳолда дин инсониятни баҳтсизликдан, фалокатлардан қутқаришга қодир, -деб таъкидлади[3]. Алломанинг тасаввуф илмига булган қизикқши, пири устоз деб ҳисоблаган Ж.Румийнинг таъсири нечоғлик кучли бўлмасин, у тасаввуф таълимотини тўлалигича қабул қилмаган.

Тасаввуфдаги тобелик, итоаткорлик Муҳаммад Иқболнинг комил инсон таълимотига қарши эди, чунки аллома озодлик, мустақиллик ва эркин ҳаётни тинимсиз курашда, жўшқинликда кўради. Файласуф фикрича, ижодий фаоллик ва кураш инсон моҳиятининг ҳақиқий мазмунидир.

Мехнат ила гар топса нон,

Бахтиёр бўлур унда инсон. (С.Юлдашев--- таржимаси)

REFERENCES

1. С.Юлдашев М.Иқбол – абадияти. –Покистон, Лахор -2009.-86
2. Ж.Румий ичингдаги ичингда маънавий маснавий –Т. Фан

3. М. Иқбол Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири –Т. Фан, 1979.
4. Юлдашева, Л. С., & Шониёзов, Ш. С. (2023). АБУ БАКР АР-РОЗИЙНИНГ ИЛМ САРЧАШМАСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(3), 68-72.
5. Юлдашева, Л. С. (2023). АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ОНТОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 324-327..670.
6. Yuldasheva, L. S. (2023). THE SPIRITUAL WORLD OF EVERY INDIVIDUAL IS HIS SPIRITUAL POWER. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 666-670.
7. Sagdullaeva, Y. L. (2022). The Principle of Emanation in IBN Sino's Ontology. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(12), 90-92.